2013 йил 7 март, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (12.358)

Баҳоси эркин нархда


## 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





## ЧУҚУР ЭҲТИРОМНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ







***Аёллари соғлом юртнинг фарзандлари баркамол, истиқболи порлоқдир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, манфаатларини ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда.***

Дарҳақиқат, миллатнинг улуғлиги, жамиятнинг маданий даражаси аёлларга бўлган муносабат билан узвий боғлиқдир. Зеро, аёл оила гавҳари, миллат ва келажак авлод давомчисидир.

Мамлакатимизда аёлларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш замирида онага бўлган эҳтиром ва ҳурмат мужассамдир.

Президентимиз ташаббуси билан шаҳримизнинг бош майдонида Бахтиёр она сиймосини мужассам этган бетимсол ёдгорлик мажмуаси қад ростлагани ҳам аёлларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Мустақил тараққиётимизнинг ҳар бир жабҳасида хотин-қизларнинг фаол иштироки, жонбозлиги ва қўлга киритаётган ютуқларини кўриш мумкин. Ҳар йили кўплаб хотин-қизларимизнинг давлатимиз томонидан юксак унвонларга, нуфузли мукофотларга сазовор бўлаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Ҳаётнинг барча соҳаларида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллаётгани уларнинг жамиятдаги мавқеи юксалаётгани, юртимизда демократик тамойилларнинг тобора мустаҳкам қарор топаётганининг самарасидир.

Аёллар ўзларининг меҳрибонлиги, ғамхўрлиги, оилапарварлиги, меҳр-муҳаббати ва ишбилармонлиги билан жамиятимиз равнақига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда айтилаётган эътирофлар, энг ширин каломлар, уларни улуғловчи баҳру байтлар, кўрсатилаётган иззат-икромларнинг барчаси мунис ва мўътабар онахонлар, дилбар опа-сингилларимиз шарафигадир.

Кўркам баҳор, қутлуғ байрам барча аёлларимизга муборак бўлсин. Уларнинг юзидан кулгу, лабидан табассум аримасин. Дунёни ўз меҳр-муҳаббати билан тебратиб турган, инсонлар қалбида энг муқаддас туйғуларни уйғотган, борлиққа ажиб бир ифор, нурли бир ёруғлик улашаётган аёлларимиз ҳамиша саломат бўлсинлар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2013 йилги совриндорлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.***

## ЮКСАК ИШОНЧ ВА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар уюшмаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, фаол хотин-қизлар қатнашди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфия ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ш.Қаюмов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган фаол ва изланувчан қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ҳозиргача ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланган ўнлаб қизлар мамлакатимизнинг етакчи ташкилот ва идоралари, таълим, тиббиёт, илм-фан ва маърифат даргоҳларида самарали меҳнат қилмоқда.

Жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловда 11,2 минг нафарга яқин қиз иштирок этди. Турли соҳаларда юксак муваффақиятларга эришган, мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киритган 14 нафар қиз ушбу давлат мукофотига лойиқ топилди.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги совриндорлари юксак ишончи учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ТАДБИРКОР АЁЛ — ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

***Мамлакатимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, уларга ўз бизнесини очиши учун кредитлар ажратилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 491,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани уларнинг ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқариш, ўн минглаб хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берди.***

Бу жараёнда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бугун ассоциациянинг ҳудудлардаги етмишга яқин бўлим ва ваколликларига 12 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти бириккан.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раҳбари Гулнора Маҳмудова. – Бу борада яратилган шарт-шароитлар самарасида ҳозир 165 минг нафардан зиёд хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Ассоциациямизга аъзо бўлиш истагидаги тадбиркор аёллар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Улар орасида иқтисодий билим ва тажрибага эга аёллар ҳам, бу борада ҳали етарлича кўникмага эга бўлмаган хотин-қизлар ҳам бор.

Мутахассислар томонидан уларнинг ҳар бирига мос дастурлар ишлаб чиқилган. Билим-малакаси етарли аёлларга меҳнат бозорида мавқеини янада мустаҳкамлаш ва халқаро кўргазмаларда иштирок этиши, энди иш бошлаётганларга эса қизиқиши асосида билим ва кўникмаларини такомиллаштиришига кўмаклашамиз. Шу мақсадда ассоциация қошида бизнесни юритиш, молиявий-ҳуқуқий саводхонлик, қандолатчилик каби гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳозир компьютерда ишлашни билмасдан бизнесни юритиш мушкул. Маҳсулот ишлаб чиқараётган ёки хизматлар кўрсатаётган ишбилармон бозорни ўрганиши учун интернет керак. Шу боис тадбиркорлик истагидаги хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ аёлларининг компьютер саводхонлигини ошириш – доимий эътиборда.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Саёҳат» мажмуасида ташкил этилган тадбир «Баҳор нашидаси» деб номланди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Маданият саройида Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Атроф-муҳитни экологик муҳофаза қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Самарқандда вилоят аҳолиси ҳамда ижтимоий соҳа объектларига баҳорги мавсумда сифатли сабзавот уруғлари ҳамда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб бериш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди.**

● **Қарши туманидаги «Wod Decor Production» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида 1,3 миллиард сўмлик сармоя эвазига замонавий хориж технологияси асосида ламинатланган мебель хом ашёси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўшма корхонада янги тармоқнинг ишга туширилиши муносабати билан 20 га яқин ёшларнинг доимий бандлиги ҳам таъминланди.**

● **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро ҳудудий бўлинмасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг янги таҳрирдаги лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Сирдарё вилояти Боёвут туманида ўтган йили кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида 6,1 миллиард сўмлик 38 инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Натижада ушбу секторнинг ўзида 840 та янги иш ўрни яратилди.**

● **Самарқандда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан фаол аёллар, истеъдодли қизлар ва кам таъминланган оила вакилларининг вилоятдаги тарихий обидалар ва кейинги йилларда бунёд этилган замонавий иншоотларга саёҳати уюштирилди. Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад аёлларни юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар билан яқиндан таништиришдан иборат.**

### ЖАҲОНДА

● **Нобель қўмитаси томонидан жорий йилда топшириладиган Тинчлик мукофотига номзодлар сони рекорд даражага етди. Қўмитанинг маълум қилишича, бу гал 259 нафар номзод, жумладан 50 та ташкилот қайд этилган. Нобель қўмитаси қоидаларига мувофиқ номзодлар рўйхати мукофот топширилгандан кейин 50 йил давомида сир сақланади. Бироқ бу сафарги номзодлар орасида АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон ва толиблар томонидан оғир ярадор этилган покистонлик ўқувчи Малая Юсуфзайнинг борлиги маълум.**

● **Испанияда бир неча кундан буён меъёридан ортиқ қор ёғди. Ҳозир мамлакатнинг бир неча минтақаларини қарийб ярим метрлик қор қоплаган. Ҳарорат кечқурун -10 градусга тушиб кетмоқда. Бу йўлларнинг беркилиб қолиши ҳамда автоҳалокатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Қорнинг қалин ёғиши туфайли кўплаб таълим муассасаларида ўқиш вақтинча тўхтатилди.**

● **«Sony» компаниясида қарийб 4 мингта иш ўрнини қисқартириш жараёни бошланди. Бундай қарорга компания томонидан бир неча ой муқаддам келинган бўлсада, қисқартириш ишлари энди бошланди. Японияning электр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган махсус корхонаси, шунингдек, фотообъективлар ва мобиль телефонлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган маҳаллий заводни ҳам ёпишни режалаштирмоқда.**

● **Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида дунёдаги энг баланд меҳмонхона қурилди. 72 қаватли эгизак меҳмонхонанинг баландлиги 355 метр бўлиб, унда 1608 та хона, 14 та ресторан, 3 минг кишига мўлжалланган бар ва қаҳвахоналар, кўплаб ҳовузлару фитнес-клублар мавжуд. Меҳмонхона йирик халқаро анжуманлар ва кўргазмаларни ўтказишга ҳам мўлжалланган. Хоналарнинг бир кунлик ўртача нархи 325 АҚШ долларини ташкил этади.**

